

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШРИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

**Махсудов Шерзод Солижонович**

*Фарғона давлат университети Тадқиқотчи*

**Мирзалиева Моҳигул Мирзахомид кизи**

*Фарғона давлат университети талабаси*

### ARTICLE INFO.

**Kalit so‘zlar:**

Самарадорлигини.

### Annotation

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг хозирги босқичида ҳалқаро ракобат мухитига мослашиш ва ракобатдошликни таъминлаш жараёни ҳар бир мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсади, мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсиран чоралар кўрилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижаси мамлакатимизнинг 2021 йил якунлари (2022 йил 1 январь ҳолатига) асосий иқтисодий кўрсаткичлар Аҳоли сони – 35 млн 271,3 минг киши (712,4 минг кишига ёки 2,1 %га кўпайган), Ялпи ички маҳсулот – 734,6 трлн.сўм (жорий нархларда), ўртача алмашув курси бўйича 69,2 млрд. АҚШ доллари (ўтган йилга нисбатан ўсиш 7,4%), аҳоли жон бошига – 21 млн 39,3 минг сўм ёки 1983 АҚШ доллари (ўтган йилга нисбатан ўсиш – 5,3%), ЯИМ дефлятори – 113,6 фоиз (2020 йилда 111,6%), аҳоли даромадлари – 515,7 трлн.сўм (реал ўсиш – 12,1%), аҳоли жон бошига даромадлари – 14,8 млн.сўм (реал ўсиш – 9,9%), Истеъмол нархлари индекси (йиллик) – 9,98 фоиз (ўтган йили – 11,14% бўлган), Марказий банк асосий ставкаси – 14 фоиз, муомаладаги пул массаси (M 2) – 140,2 трлн.сўм (йил бошига 32,6 трлн.сўмга ортган) етди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга

<sup>1</sup> Давлат Статистика қўмитаси ва Марказий банк сайтларидан олинган маълумотлар асоси

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида<sup>2</sup>ги ПФ-60 сонли фармонининг Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишида Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш, Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгacha пасайтириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш мақсад қилиб олинган<sup>2</sup>.

Жаҳон мамлакатларида кам ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этмаган ҳудудларда индустрисал парклар, технополислар ва саноат зоналарини ташкил этиш орқали ривожлантириш, бу орқали иқтисодий салоҳият ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини чукурлаштириш, эркин иқтисодий зоналари жойлашган ҳудудлардаги инвестицион жозибадорликни ошириш, шу асосда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш масалаларининг илмий тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётини жадаллаштиришга муҳим ҳисса қўшувчи эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январ куни 4 та эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисидаги фармони имзоланди. Самарқад вилоятининг Ургут туманида, Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида, Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида ва Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида, 2019 йил 13 сентябрда “Чироқчи” эркин иқтисодий зона, 2019 йил 11 ноябрда “Нукус” эркин иқтисодий зона, 2021 йил 22 февралда “Қорақалопқагро” эркин иқтисодий зонасилар ташкил қилинди.

Мамлакатимизда, 2008 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида 2,4 миллиард долларлик жами 448 та лойиҳалар амалга оширилди. Умумий суммадан 764,6 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар ҳисобига 34 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларнинг энг йириги Ангрен ЭИЗ (730,7 млн долларлик 73 та лойиҳа), "Ургут" ЭИЗ (312,9 млн долларлик 55 та лойиҳа), "Навоий" ЭИЗ (282,8 млн долларлик 53 та лойиҳа) ва "Буҳоро-агро" ЭИЗда (325,1 млн долларлик 112 та лойиҳа) амалга оширилди.

Республикамиз иқтисодиётини самарали ривожлантириш йўналишларидан бири эркин иқтисодий зоналари ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналар давлат мулки обьектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизида яратилмоқда. Эркин иқтисодий зоналар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига энг самарали технологияларни кенг татбиқ қилишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар солиқ имтиёзлари, маъмурий тартибга солишнинг соддалаштирилган тизими “ягона дарча” тамойилининг амал қилиши, замонавий инфратузилма обьектлари билан таъминланганлиги, йирик транспорт коммуникациялари яқинида жойлашганлиги каби бир қатор табиий географик устунликка

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони

эгалиги иқтисодий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, эркин иқтисодий зоналарни иқтисодий, илмий-техник ва инфратузилма жиҳатидан ривожланганлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда, юқори технологик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналарни эркин иқтисодий зоналарини худудларида ихтисослаштирилган ҳолда барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### **Фойдаланиган адабиётлар:**

1. Raximova, Q. N. Q. (2022). THE SOCIO-ECONOMIC NEED FOR GROWING THE IMPORTANCE OF GREEN BUSINESS. *Scientific progress*, 3 (2), 880-885.
2. Mirzaev Ravshanjon Burxonovich (2022). THE IMPORTANCE OF BASIC MATERIALS AND TECHNOLOGICAL LOSSES IN INCREASING ECONOMIC EFFICIENCY IN THE FORMATION OF COST. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3 (1), 727-732.
3. Mirzaev R. B., & Yuldashev, X. A. (2022). EFFECT OF CONSUMER REQUIREMENTS ON THE PRODUCTION COST OF AUTOMOBILE WINDOWS. *Scientific progress*, 3 (2), 1173-1178
4. Mirzaev Ravshanjan Burkhanovich. Fergana State University, Part-time studies Department Lecturer of the Department of Social-Humanitarian Sciences. Akhmadaliyeva Mokhigul Kadirovna Fergana State University, Part-time studies Department Lecturer of the Department of Social-Humanitarian Sciences IMPROVEMENT OF ORGANIZATIONAL ECONOMIC IMPACT OF PRODUCT COST REDUCTION ON THE BASIS OF COST-EFFECTIVE USE OF RESOURCES
5. Мирзаев, Р. Б., & Юлдашев, Х. А. (2022). АВТОМОБИЛ ОЙНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИСТЕМОЛЧИ ТАЛАБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИГА ТАЪСИРИ. *Scientific progress*, 3(2), 1173-1178
6. BENEFITS OF HOUSEHOLD APPLIANCES IN THE PROTECTION OF THE ENVIRONMENT AND WATER RESOURCES MO Baltabaeva, DA Kadirovan Thematics Journal of Economics, India 8, 2-5, 2022
7. The need to provide the priority of spiritual and educational processes in the modern education system
8. Рахимова, Қ. Н. Қ. (2022). Яшил бизнес аҳамиятининг ортиб боришининг ижтимоий-иқтисодий зарурати. *Scientific progress*, 3(2), 880-885.
9. Rakhimova, K. (2022). SOCIO-ECONOMIC NECESSITY OF INCREASING THE IMPORTANCE OF GREEN BUSINESS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(4), 1034-1037.
10. Akhmadaliyeva, M. (2022). REFORMS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF FAMILY SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN OUR COUNTRY. *Gospodarka i Innowacje*. 22, 439-442.
11. Махсудов, Ш. С. (2022). ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ. *Scientific progress*, 3(4), 159-166.
12. Абдусаматов, Д. А. & Рахимов, Н. Р. (2021). Технологические Особенности Изготовления Афн-Пленок И Приборных Структур На Их Основе.
13. Рахимов, Н. Р. & Абдусаматов, Д. А. (2021). Определение Природы Возникновения Аномального Фотонапряжения И Разработка Оптрона На Их Основе.